

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

МУХИТДИНОВ УМИДЖОН РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ҚИСИЛГАН ПОСТТРАВМАТИК ДИАФРАГМА ЧУРРАЛАРИНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухитдинов Умиджон Рахматуллаевич

Қисилган посттравматик диафрагма чурраларини диагностикаси ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш 3

Мухитдинов Умиджон Рахматуллаевич

Совершенствование диагностики и хирургического лечения ущемленных посттравматических диафрагмальных грыж 27

Mukhitdinov Umidjon Rakhmatullaevich

Improving the diagnosis and surgical treatment of strangulated post-traumatic diaphragmatic hernias 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

МУХИТДИНОВ УМИДЖОН РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ҚИСИЛГАН ПОСТТРАВМАТИК ДИАФРАГМА ЧУРРАЛАРИНИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хаджибаев Фарход Абдухакимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпоенилар:

Черноусов Фёдор Александрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Камал Сандакбарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ётақчи танкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «25» 02 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605; E-mail: uzmedicine@mail.ru).

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605.

Диссертация автореферати 2026 йил «09» 02 кун тарқатилди.
(2026 йил «09» 02 даги 02 -рақамли реестр баённомаси).



А.М. Хаджибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Д. Анваров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

В.К. Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида диафрагманинг посттравматик шикастланишлари оғир кўкрак-қорин соҳасидаги жароҳатлар сонининг ортиши билан боғлиқ ҳолда шошилишч торакоабдоминал жарроҳликнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон адабиётлари маълумотларига кўра, травматик диафрагма чурралари барча диафрагма чурраларининг 13% гача қисмини ташкил этади, уларнинг қисилган шаклларида эса ўлим даражаси 30–50 % га етади¹.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, травматизм меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар орасида ўлим ва ногиронликнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб қолмоқда, бунда оғир кўкрак-қорин шикастланишлари салмоқли улушни ташкил этади. Бундай жароҳатларда диафрагманинг шикастланишлари кўпинча ўз вақтида аниқланмай қолади, бу эса посттравматик диафрагмал чурралар шаклланишига ва уларнинг қисилиш босқичидагина аниқланишига олиб келади. Бу ҳолат оғир асоратлар ривожланиши ва юқори ўлим даражаси билан кечиб, диагностика ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштиришнинг долзарблигини белгилайди².

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, шошилишч тиббий ёрдам тизимини модернизация қилиш ва замонавий диагностика ҳамда даволаш технологияларини жорий этиш шароитида ургент жарроҳлик патологиясида даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, посттравматик диафрагмал чурраларда, айниқса уларнинг қисилган шаклларида, махсус клиник белгиларнинг йўқлиги ва госпиталгача бўлган босқич имкониятларининг чекланганлиги билан боғлиқ ҳолда кеч ташхис қўйишнинг юқори частотаси сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилиш ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган маълумотларни олиш, шунингдек диагностика предикторлари, замонавий нурли визуализация усуллари ҳамда кам инвазив эндовизуал технологияларнинг шошилишч тиббий ёрдам тизимидаги ролини асослаб бериш зарурлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси (2022–2026 йиллар) тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Шу тариқа, диссертация юқори технологияли ва шошилишч тиббий ёрдам соҳасидаги

1 Craugh L.E., Salyer C., Tarras S. Traumatic diaphragmatic injury: a narrative review // Current Challenges in Thoracic Surgery. – 2025. – Vol. 7. – URL: <https://ccts.amegroups.org/article/view/102098>

2 World Health Organization. Injuries and violence: the facts – WHO; Jun 19, 2024. – URL: <https://www.who.int/news-room/factsheets/detail/injuries-and-violence>.

асосий давлат устувор йўналишларига мос келиб, унинг амалий аҳамияти ва илмий долзарблигини таъкидлайди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда жаҳоннинг етакчи тиббиёт муассасаларида қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни (ҚПДЧ) диагностика ва даволаш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, *The James Cook University Hospital (Буюк Британия)* ва *Center for Reconstructive Urethral Surgery (Италия)* клиникалари қисилган ҚПДЧ ларни диагностика қилиш, турли жарроҳлик аралашувларни бажариш кўрсатмалари ва муддатларини аниқлаш ҳамда олинган *Yakuniy natijalarni* таҳлил қилиш билан шуғулланган. Шу билан бирга, улар даволашда юз берган номақбул натижаларнинг 79 % гача қисми кеч операция ёки шифокор хатолари билан боғлиқ эканлигини исботлашган³.

The Chaim-Sheba Medical Center (Исроил), Marmara University Hospital (Туркия), William Beaumont Hospital (АҚШ), University of Tsukuba (Япония) клиникаларидаги тадқиқотларда асосий эътибор қисилган ҚПДЧ ларни кеч ташхис қилиш сабабларини аниқлаш ва қисилган ҚПДЧ ларни диагностика ва даволашда эндовидеотехнологияларнинг даволаш-диагностик имкониятларини кенгайтиришнинг мақбуллигини ўрганишга қаратилган⁴.

Умуман олганда, халқаро клиникаларнинг нашр қилинган маълумотларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мавжуд ютуқларга қарамай, сўнгги йилларда тиббиётда диагностика ва кам инвазив эндовизуал технологиялар ривожини, афсуски, қисилган ҚПДЧ ларни даволашдаги охириги натижаларга етарлича таъсир кўрсатмаган.

Диссертация мавзусининг илмий иш бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти РШТЁИМ илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ГНТП-9 «Инсон касалликларини олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ташхисот усулларини қўллаш ва кам инвазив усуллардан фойдаланган ҳолда янги даволаш-диагностик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

РШТЁИМ ва унинг филиаллари маълумотларига асосан қисилган посттравматик диафрагмал чурраларнинг частотаси ва клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш;

³Ghionzoli M., Bongini M., Piccolo R.L., Martin A., Persano G., Deaconu D.E. et al. Role of thoracoscopy in traumatic diaphragmatic hernia // *Pediatric International*. – 2016. – Vol. 58, №7. – P. 601–603.

⁴Hashimoto H., Miyazaki Y. et al. Safe repair of a delayed right-sided traumatic diaphragmatic hernia using combined thoracoscopy and laparoscopy: a case report // *Asian Journal of Endoscopic Surgery*. – 2025. – Vol. 18, № 1. – e70166.

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни аниқлашда анъанавий усуллар ҳамда замонавий нур ташхисот усулларининг солиштирма тавсифий аҳамиятини аниқлаш;

шошилич тиббий ёрдамнинг шифохонагача бўлган босқичида қисилган посттравматик диафрагмал чурраларнинг мавжудлигини аниқлашда абсолют, эҳтимолий ва шубҳали предикторларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни хирургик даволашда кам инвазив эндовизуал усулларни қўллаш имкониятларини аниқлаш;

замонавий нурли визуализация усуллари ва кам инвазив аралашувларнинг аҳамияти ва ўрнини аниқлаш билан қисилган посттравматик диафрагмал чурраларида ташхисот-даволаш янги алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010-2024 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиалларида қисилган посттравматик диафрагмал чурра туфайли стационар равишда даволанган 86 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қисилган посттравматик диафрагмал чурралар билан касалланган беморларни диагностика ва даволашда анъанавий ҳамда янги усуллардан олинган натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник, лаборатор, биокимёвий, рентгенологик, эхоскопик, эндовизуал ҳамда тиббий-статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шошилич тиббий ёрдамнинг шифохонагача бўлган босқичида қисилган посттравматик диафрагмал чурраларнинг мавжудлигини аниқлаш эҳтимолига оид яратилган ва амалиётга жорий қилинган абсолют, эҳтимолий ва шубҳали предикторларнинг прогностик аҳамияти исботланган;

қисилган посттравматик диафрагмал чурралар диагностикасида юқори спецификлиги ҳисобига замонавий нур-ташхисот усулларининг самарадорлиги исботланган, шунингдек, хирургик даволашда кам инвазив эндовизуал усуллардан фойдаланиш асосланган;

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларда ҳолатнинг оғирлиги ва қисилиш хусусиятини комплекс клиник-инструментал баҳолаш асосида шошилич тиббий ёрдам шароитида оператив тактикани танлашни оптималлаштириш имконини берувчи анъанавий, кам инвазив ва гибрид хирургик аралашувларни қўллаш кўрсатмалари ва уларнинг тартиби асосланган;

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларда замонавий нурли визуализация усуллари ва кам инвазив аралашувларнинг аҳамияти ва ўрнини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқилган янги ташхисот-даволаш алгоритмининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қисилган посттравматик диафрагмал чурралар мавжудлигини аниқлаш эҳтимолига оид абсолют, эҳтимолий ва шубҳали предикторларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш шошилинич тиббий ёрдамнинг шифоҳонагача бўлган босқичида ташхисотда ҳушёрликни сезиларли даражада оширди ҳамда ушбу патологияни аниқлашни яхшилади;

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларларни даволаш-диагностика схемасига замонавий нур-ташхисот усуллари ва кам инвазив эндовизуал жарроҳлик усуллари киритиш даволаш натижаларини ишончли равишда яхшилашга хизмат қилди, бу эса операциядан кейинги асоратлар частотасини 20,0% гача, ўлим даражасини 6,7% гача камайтириш ва беморларни стационарда қолиш муддатини $12,6 \pm 1,8$ кунга қисқартиришда намоён бўлди;

беморларнинг ҳолат оғирлиги ва ички органларнинг қисилиш хусусиятини инобатга олган ҳолда жарроҳлик аралашувининг ҳажми ва усулини танлашда дифференциал ёндашувни қўллаш жарроҳлик тактикасини рационаллаштириш ва операциялар травматизмини камайтиришни таъминлади;

қисилган посттравматик диафрагмал чурраларларни даволаш-диагностика қилиш бўйича янги алгоритмни клиник амалиётга жорий қилиш шошилинич тиббий ёрдамнинг барча босқичларида даволаш-диагностика жараёнини стандартлаштиришга ва госпиталгача ҳамда стационар даволаш босқичлари ўртасида узлуксизликни таъминлашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар қисилган ҚПДЧ ларнинг клиник-фаолият хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшади. Шу билан бирга, тадқиқотнинг асосий назарий натижалари ушбу патологиянинг кечиш хусусиятларини ўрганиш ва унинг диагностика ҳамда даволашда янги рақобатбардош усуллари шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ишнинг айрим натижалари студентлар, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни қисилган ҚПДЧ ларни диагностика ва даволаш бўйича тайёрлаш дастури мазмуни ва тузилишини такомиллаштиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги асосий хулосалар ва тавсиялар қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика ва даволашда қўлланилиши мумкин. Қисилган ҚПДЧларнинг диагностика ва даволаш жараёни госпиталгача босқичда уларнинг мавжудлигини аниқлашга қаратилган предикторлар, шунингдек ушбу патологияни нурли диагностика усуллари ва кам инвазив эндовизуал жарроҳлик усуллари орқали оптималлаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қисилган посттравматик диафрагма чурраларини диагностикаси ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: шошилишч тиббий ёрдамнинг шифохонагача бўлган босқичида қисилган посттравматик диафрагмал чурраларнинг мавжудлигини аниқлаш эҳтимолига оид яратилган ва амалиётга жорий қилинган абсолют, эҳтимолий ва шубҳали предикторларнинг прогностик аҳамияти исботланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши йиғилишининг 2024 йил 17 майдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган «Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилишни такомиллаштириш йўллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Амалиётга жорий қилиниши:* Мазкур таклиф Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиалининг 2024 йил 19 ноябрдаги 245-І-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 августдаги 23/32-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган предикторлар қўлланиши орқали қисилган ПТДЧларни ўз вақтида аниқлаш имконияти таъминланди, даволаш тактикасини танлаш оптималлаштирилди ва госпиталгача босқичда диагностика сифатини оширилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари стационарда даволаш муддатини қисқартириш ва ҳар бир бемор учун харажатни 1 500 000 сўмга камайтиришга имкон берди; госпитализация муддатларининг қисқариши ҳисобидан бир ўрин-кун учун 2 750 000 сўм иқтисод қилинди, тадқиқот доирасида (n=50) жамланма самарадорлик 75 000 000 сўмни ташкил қилди;

иккинчи илмий янгилик: қисилган посттравматик диафрагмал чурралар диагностикасида юқори спецификлиги ҳисобига замонавий нур-ташхисот усуллариининг самарадорлиги исботланган, шунингдек, хирургик даволашда кам инвазив эндовизуал усуллардан фойдаланиш асосланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши йиғилишининг 2024 йил 17 майдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган «Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилишни такомиллаштириш йўллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 2024 йил 22 ноябрдаги 247-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 августдаги 23/32-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: предикторларни жорий этиш госпиталгача босқичда тактик қарорлар қабул қилишнинг асослилигини оширди, ихтисослаштирилган ёрдамни бошлашгача бўлган вақтни қисқартирди ва қисилган ПТДЧларни кеч ташхис қилиш хавфини камайтирди. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган предикторлардан фойдаланиш шошилишч тиббий ёрдамнинг илк босқичларида диагностика

тадбирлари ҳажмини қисқартириш ва даволаш харажатларини камайтиришга ёрдам берди, бу эса ҳар бир бемор учун 1 500 000 сўм, тадқиқот доирасида (n=20) 30 000 000 сўм иқтисодиётни таъминлади;

учинчи илмий янгилик: қисилган посттравматик диафрагмал чурраларда ҳолатнинг оғирлиги ва қисилиш хусусиятини комплекс клиник-инструментал баҳолаш асосида шошилиш тиббий ёрдам шароитида оператив тактикани танлашни оптималлаштириш имконини берувчи анъанавий, кам инвазив ва гибрид хирургик аралашувларни қўллаш кўрсатмалари ва уларнинг тартиби асосланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши йиғилишининг 2024 йил 17 майдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган «Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилишни такомиллаштириш йўллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиалининг 2024 йил 19 ноябрдаги 245-І-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 августдаги 23/32-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: янги алгоритмдан фойдаланиш қисилган ПТДЧларда даволаш-диагностика жараёнини стандартлаштириш ва жарроҳлик даволаш хавфсизлигини ошириш имконини берди. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: алгоритм жорий этилиши диагностика ва даволаш ресурсларини рационал ишлатиш, стационарда даволаш муддатларини қисқартириш ва тиббий хизмат харажатларини камайтиришга хизмат қилди; бу ҳар бир бемор учун 1 500 000 сўм, тадқиқот доирасида (n=9) эса 13 500 000 сўм иқтисодий самарани таъминлади;

тўртинчи илмий янгилик: қисилган посттравматик диафрагмал чурраларда замонавий нурли визуализация усуллари ва кам инвазив аралашувларнинг аҳамияти ва ўрнини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқилган янги ташхисот-даволаш алгоритмининг самарадорлиги исботланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши йиғилишининг 2024 йил 17 майдаги 2-сон баённомаси билан тасдиқланган «Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилишни такомиллаштириш йўллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиалининг 2024 йил 19 ноябрдаги 245-І-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 августдаги 23/32-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: дифференциал ёндашувни жорий этиш жарроҳлик аралашувларининг травматизмини камайтирди ва қисилган ПТДЧ билан беморларни даволашда клиник натижаларни яхшилади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш госпитализация муддатини қисқартириш ва даволаш харажатларини камайтиришга ёрдам берди; бу ҳар бир бемор учун 1 500 000

сўм, тадқиқот доирасида (n=27) эса 40 500 000 сўм иқтисодий самарани таъминлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти кўрсатилган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети маълум қилинган, диссертация ишининг Республика илми ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги акс эттирилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амали натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амали аҳамияти кўрсатилган, натижалар клиник амалиётга жорий этилиши ҳақида маълумотлар берилган, шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларнинг диагностика ва даволаш тактикасида замонавий жиҳатлар»** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари таҳлил қилинган. Унда қисилган ҚПДЧ нинг тарқалиши ва ривожланиш сабаблари, уларни диагностика қилиш усуллари, оғирлик даражасини баҳолаш критерийлари, классификацияси ва даволаш тактикаси ҳақида маълумотлар келтирилган; шунингдек, кўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган дискусион масалалар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида кўрилган беморлар ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган. Иш 2010–2024 йиллар давомида РШТЎИМ ва унинг Наманган, Бухоро ва Хоразм филиалларининг жарроҳлик бўлимларида кузатилган 86 нафар қисилган ПТДЧли беморларнинг диагностика ва даволаш натижалари таҳлиliga асосланган. Уларнинг 51 нафари эркак (59,3%), 35 нафари аёл (40,7%) бўлиб, эркаклар устунлик қилган. Беморларнинг ўртача ёши $43,2 \pm 3,6$ йилни ташкил этган, шунингдек 62,8% беморлар энг меҳнатга лаёқатли ёшда (18–70 ёш) бўлган.

Даволаш-диагностика усули ва тактикасига қараб, ҚПДЧ ли барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: назорат ва асосий гуруҳлар. Назорат гуруҳига 41 нафар (47,7%) бемор киритилди, уларда анъанавий даволаш-диагностика

тактикаси қўлланди. Асосий гуруҳдаги 45 нафар (52,3%) беморларда даволаш-диагностика жараёни ишлаб чиқилган диагностика предикторлари - абсолют, эҳтимолий ва шубҳали - дан фойдаланиш ҳамда замонавий нурли (МСКТ ва МРТ) ва эндовизуал (ВТС ва ВЛС) усуллардан кенг қўллаш билан тўлдирилди. Тадқиқот гуруҳлари ёш, жинс, асосий патология ва унинг асоратлари, ҳамда қўшма касалликлар бўйича репрезентатив бўлган. Улар фақат қисилган ҚПДЧ ни тузатишда қўлланган даволаш-диагностика тактикаси бўйича фарқ қилган.

40,7% жабрланувчилар тез ёрдам автомашинасида етказилган, 53,5% эса беморларга ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатилмасдан ўз кучлари билан келган. Якка ҳолатларда (5,8%) улар бошқа тиббиёт муассасаларидан йўналиш орқали келтирилган.

ҚПДЧ лардаги клиник манзара чурра қопчасидаги органларнинг фаолиятининг бузилиши даражаси, нафас олиш ва юрак-қон томир тизимидаги бузилишлар ҳамда организмнинг компенсатор реакцияларига боғлиқ эди. Шунини қайд этиш жоизки, қисилган ҚПДЧ ларда кузатиладиган клиник белгилар жуда турлича бўлиб, бу патологиянинг мавжудлигини фақат улар асосида аниқлашни аниқлик ва осонликдан йироқ қилиб қўяр эди.

Шу боис, назорат ва асосий гуруҳдаги 35 нафар беморда госпиталгача диагностика натижалари таҳлили кўрсатдики, шошилиш тиббий ёрдамнинг бу босқичида 71,4% гача диагностик хатолар кузатилган. Беморларга нотўғри равишда гастродуоденал язва асоратлари ва оғриши (25,7%), миокард инфаркти шубҳаси билан ОКС (25,7%) ва турли плевропневмония турлари (20,0%) ташхислари қўйилган.

Беморларнинг 43% анамнезда ёпиқ кўкрак жароҳатлари, 57,0%ида эса диафрагма жабрланган ёпиқ қорин жароҳатлари қайд этилган. 23 нафар текширилган беморнинг анамнезида кўкрак ва қориннинг биргаликда жароҳатланиши ҳақида маълумот бор эди.

Ёпиқ кўкрак ва қорин жароҳатлари олиш механизмлари орасида ЙТХ (39,5%) ва кататравма (30,3%) устун бўлган бўлса, очик жароҳатлар кўпроқ жинсий (17,4%) ва маиший сабабларга (12,8%) кўра рўй берган.

Текширилган беморлар орасида турли турдаги ҚПДЧ лар кузатилган бўлиб, улар турли локализация ва ички органларнинг турли хилдаги странгуляцияга учраши билан ажралиб турган (1-жадвал).

68 нафар текширилган беморда ҚПДЧ чап томонда жойлашган, 15 нафар беморда эса ўнг томонда аниқланган. Қисилган ПТДЧларнинг икки томонлама жойлашуви жами 3 нафар беморда кузатилган. 76 нафар беморда қисилган ҳолатда ковак аъзолар аниқланган бўлиб, уларнинг 22 тасида ошқозоннинг бир қисми, 54 тасида эса ичак қисмлари қисилган. 10 нафар беморда паренхиматоз аъзолар (1 ҳолат) ва катта чарвининг бир қисми (9 ҳолат) қисилгани қайд этилган.

Шунини таъкидлаш жоизки, 42 нафар текширилган беморда қисилган ички органлар узоқ муддатли ва яққол странгуляцияга учрагани сабабли уларда некротик ўзгаришлар ривожланган ва турли асоратлар кузатилган. Хусусан, поддиафрагмал инфилтратлар ва абсцесслар (9 ҳолат), перитонитлар (7),

гемопневмоторакслар (3), плевра эмпиемалари (4) ҳамда гемоперитонеумлар (4) аниқланган. Ушбу асоратлар беморларнинг умумий ҳолат оғирлигига сезиларли таъсир кўрсатган.

1-жадвал

ҚПДЧ ларнинг жойланиши ва қисилган аъзолар турлари, n=86

Жойланиши ва қисилган аъзолар тури	Қиёсий гуруҳ		Асосий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%
Чап томонлама ҚПДЧ	32	78,0	36	80,0
ковак аъзолар;	29	70,7	32	71,2
паренхиматоз аъзолар	3	7,3	4	8,8
Ўнг томонлама ҚПДЧ	7	17,0	8	17,7
ковак аъзолар;	6	14,6	7	15,5
паренхиматоз аъзолар	1	2,4	1	2,2
Икки томонлама ҚПДЧ	2	4,8	1	2,2
ковак аъзолар;	1	2,4	1	2,0
паренхиматоз аъзолар	1	2,4	0	0
Жами	41	100,0	45	100,0

Текширилган беморларнинг умумий ҳолат оғирлигини аниқлаш ташқи нафас олиш ҳолати, тизимли гемодинамика ва микроциркуляция кўрсаткичлари, қорин ҳолати, шунингдек объектив клиник-лаборатория ва инструментал маълумотларга асосланган неврологик статусни баҳолаш орқали амалга оширилди. Умумий ҳолат оғирлиги даволаш-диагностика тактикасини танлашда муҳим аҳамият касб этган (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг ҳолат оғирлигига кўра тақсимланиши, n=86

Ҳолатнинг оғирлик даражаси	Қиёсий гуруҳ		Асосий гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Енгил	21	24,4	23	26,7	44	51,1
Ўрта оғир	12	14,0	13	15,1	25	29,1
Оғир	8	9,3	9	10,5	17	19,8
Жами	41	47,7	45	52,3	86	100,0

Текширилган беморларнинг умумий ҳолат оғирлигига турли кўшма касалликларнинг мавжудлиги ҳам таъсир кўрсатган. Тадқиқотда клиник, лаборатория, биохимик, рентгенологик, эхоскопик, эндовизуал ҳамда тиббий-статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг «Қисилган посттравматик диафрагмал чурраларни диагностика қилишни оптималлаштириш» деб номланган учинчи бобида анъанавий тадқиқот усуллари, замонавий нурли ва эндовизуал диагностика усуллари натижалари, шунингдек қисилган ПТДЧларнинг мавжудлигини аниқлаш эҳтимолига оид ишлаб чиқилган диагностика предикторлари маълумотлари келтирилган, уларнинг таҳлили ўтказилиб, диагностика

аҳамияти баҳоланган. Беморларни текшириш умумклиник ва лаборатория тадқиқотларини ўтказишдан бошланган бўлиб, бу ҚПДЧ ларнинг асосий клиник кўринишларини аниқлаш ва беморларнинг умумий ҳолат оғирлигини баҳолашга қаратилган.

ҚПДЧ ли барча беморларда кейинги диагностика жараёнида кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг полипозицион рентгеноскопияси ва рентгенографияси, шунингдек рентгеноконтраст тадқиқотлар қўлланилди. Жами 108 та рентгенологик текширув ўтказилди. Текширилган беморларда қисилган ПТДЧларнинг энг кўп учрайдиган рентгенологик белгилари қаторидан плевра бўшлиғида грыжа қопчаси сояси мавжудлиги (72,1%), шунингдек, медиастинумда ёки кардиодиафрагмал синус соҳасида патологик тузилманинг аниқланиши (48,8%) қайд этилди (1-расм).



1-расм. Бемор Ж.Р., 47 ёш, К/Т №15504/1233. Кўкрак қафаси рентгенографияси: плевра бўшлиғида грыжа қопчаси сояси мавжудлиги.

Қисилган ҳолда қорин бўшлиғининг ковак аъзолари бўлган 40,7% беморда рентгенологик текширувда плевра бўшлиғида газ пуфаги сояси ва чегаравий чизиқ билан ичак ҳалқаларининг аниқланиши қайд этилди. Паренхиматоз аъзолар ва катта чарви қисилган ҳолатларда эса 45,3% ҳолатда ўпканинг қуйи майдонида сояланиш, 18,6% беморда эса медиастинум сояси силжиши кузатилди.

Қисилган ковак аъзолар томонидан некроз ва девор перфорацияси каби асоратлар мавжуд бўлган беморларда рентгенологик жиҳатдан плевра бўшлиғида гемопневмоторакс (13,9%), ёки қорин бўшлиғида эркин газнинг мавжудлиги (16,3%), Клойбер косалари (9,3%) ёхуд ичак пневматози (8,2%) аниқланди. Назорат гуруҳидаги 5 нафар беморда ҚПДЧ ларни рентгенологик диагностика қилишдаги қийинчиликлар туфайли қўшимча равишда қизилўнгач ва ошқозоннинг рентгеноконтраст текшируви (2 ҳолат) ҳамда ирригоскопия (3 ҳолат) ўтказилди.

Кейинги тадқиқот усули сифатида кўкрак ва қорин бўшлиғи УТТ ўтказилган бўлиб, бу текширув барча қабул қилинган беморларга амалга

Текширилган беморларда жами 28 та ВТС ва 24 та ВЛС амалга оширилган, шундан 11 нафар беморда улар қўшма тарзда қўлланилган. Шу билан бирга, 34 нафар (65,3%) текширилган беморда ВТС ва/ёки ВЛС охириги, яъни ҳал қилувчи аралашув сифатида қўлланилган. 7 нафар (13,4%) беморда ВТС ва/ёки ВЛС анъанавий торакотомия (ТТ) ёки лапаротомия (ЛТ)га конверсия қилинган. ВТС ва ВЛСда асосий белги сифатида қисилган ПТДЧнинг мавжудлигини аниқлаш ҳисобланади ва бу деярли барча ҳолатларда амалга оширилган (3-расм).




3-расм. Бемор К.Т., 52 ёш, К/Т №27481/1904. ВТС: ҚПДЧ нинг клиник тасвири.

Бундан ташқари, ВТС ва ВЛС ўтказилган 30 нафар беморда турли асоратлар аниқланган: холий орган девори некроз ва унинг перфорацияси (23 ҳолат), плевра эмпиемаси (4 ҳолат) ёки турли тарқалишдаги перитонит (14 ҳолат). Шу билан бирга, 7 беморда гемоторакс ва 4 беморда гемоперитонеум кузатилган. Ушбу маълумотлар ҚПДЧ ли беморларнинг жарроҳлик даволаш тактикасини аниқлашда айниқса муҳим аҳамиятга эга.


20.11.2020 йилда бемор шошилиш жарроҳлик амалга оширилган (№ 922/258). Юқори ўрта лапаротомия узунлиги 18 смгача бўлган. Қорин бўшлиғида ҳеч қандай ҳиди бўлмаган 100 мл гача сероз-геморрагик суюқлик аниқланган. Ингичка ичак қовузлоқлари, йўғон ичакнинг ўнг ярми ва катта чарви жигарнинг ўнг бўлаги остига кирган. Қорин бўшлиғида ингичка ичак қовузлоқлари йўқ, фақатгина Трейц бойламидан келувчи оч ичакнинг 20 см атрофидаги қисми жигар ўнг бўлаги остига кирган.

Ревизияда туширилган жигар ўнг бўлагида қисилиш чизиғи аниқланган (ўроқсимон бойлам яқинида ўт пуфак билан бирга қисилган жигарнинг 15×5 см ўлчамдаги ўнг бўлаги – аномал гипоплазияланган ўнг бўлак). Чап бўлак компенсатор гипертрофияга учраган (4-расм). Ошқозон кенгайган, катта эгрилиги киндик даражасигача келган. Ошқозон-диафрагма бойлами йўқ (гастроптоз). Жигар ярим вертикал ҳолатда жойлашган, ўнг бўлак диафрагма дефекти орқали ўнг плевра бўшлиғига кирган. Чап бўлак катта - 25 смгача,

киндик даражасига тушган, гепатоптоз, ўроқсимон ва юмалоқ бойламлар заиф ифодланган (5-расм).



4-расм. Жигарнинг «ярим вертикал» аномал жойлашуви. Ўнг бўлак эпигастрал ҳудудда, чап бўлак мезогастрал ҳудудда жойлашган (гепатоптоз).




5-расм. Қисилган ўнг жигар бўлаги плевра бўшлиғидан туширилган ҳолати.


Кейинги ревизияда: кўтарилувчи чамбар ичак кўндаланг чамбар ичакнинг ярми даражасигача ингичка ичак билан бирга ўнг плевра бўшлиғига тушгани аниқланди. Ўнг жигар бўлаги, ингичка ва кўндаланг чамбар ичак ҳалқаларини мустақил равишда олиб чиқиш мумкин бўлмаган, шунинг учун диафрагмадаги қисилувчи ҳалқани латерал йўналишда кесиб, юқорида кўрсатилган чурра дефекти орқали қуйидагилар навбатма-навбат олиб чиқилган: бутун ингичка ичак (узунлиги 200 см гача), кўндаланг чамбар ичакнинг бир қисми, унга қўшилган кўтарувчи чамбар ичакнинг мобил қисми ва катта чарвининг субтотал некрозга учраган қисми. Қорин органлари диафрагма дефектидан олиб чиқилганда 200 мл гача геморрагик суюқлик ажралган. Кейинги ревизияда, Трейц бойламидан 25 см масофадаги оч ичак ҳалқасида қисилиш чизиғи (оқиш рангда) аниқланган, некроз йўқ. Ингичка ичак шишган, қизил-булунғур, шишган, тутқичи инфильтрацияланган, тутқич қон томирлари пульсацияси нормал, ичак перистальтикаси заиф. Трейц бойламидан 100 см масофада асоратланмаган Меккел дивертикули аниқланган (6-расм). Ревизияда қисилган кўндаланг чамбар ичакнинг 1/3 қисмида оқиш рангда, некрозланмаган қисилиш чизиғи аниқланган (7-расм).

Катта чарвининг 3/4 қисми - қора-қизил рангда, қон томирлари тромбланган ва пульсация йўқ, инфильтрацияланган. Унинг 3/4 қисми резекция қилинди. Юқорида санаб ўтилган қисилган органлар - 200 см узунликдаги ингичка ичак ҳалқалари, кўтарилувчи ва кўндаланг чамбар ичак ҳамда жигар ўнг бўлаги - интраоперацион ҳолда хаётий хусусиятга эга деб топилган. Ўнг плевра бўшлиғи ревизиясида, ўнг диафрагма гумбази нуқсони (8,0×4,0 см) орқали ўнг ўпка коллабирланган ҳолда, плевра бўшлиғида 200 мл сероз-геморрагик суюқлик аниқланиб, аспирация қилинган ва плевра бўшлиғи


физиологик эритма билан санаця қилинган. Интраоперацион равишда 6-ковурғалараро сохадан, ўрта аксилляр чизик бўйлаб ўнг тарафлама торакоцентез бажарилган ва №20 фр. дренаж ўрнатилган. Диафрагма дефекти П-шаклли чоклар билан ёпилган, чокларнинг герметиклиги коникарли ҳолатда (8 расм).



6-расм. Ўнг плевра бўшлиғидан ингичка ичакнинг туширилиши.



7-расм. Йўғон ичак ўнг ярмининг туширилиши.




8-расм. Диафрагма чуррасини ёпиш босқичлари.

Ўнг плевра бўшлиғига ўрнатилган дренаж Бобров аппаратига уланган. Колонопексия ва гастропексия бажарилган. Ингичка ичакка назоинтестинал интубация ўтказилган, шу жараёнда 600 мл гача «ичак» чиқиндилари эвакуация қилинган.

Қорин бўшлиғи 4000 мл иссиқ фурацилин эритмаси билан «тоза сувгача» ювилган. Ўнг диафрагма ости бўшлиғи ва кичик тос дренажланган. Лапаротомик жарохатга қаватма-қават чоклар қўйилган ва асептик боғлам қўйилган.

Клиник таъхис: Асосий: Ўнг томонлама қисилган посттравматик диафрагма чурраси (жигар ўнг бўлаги, кўтарувчи чамбар ичакнинг мобил қисми, Меккел дивертикули бор аномал қисқа ингичка ичак, катта чарви билан кўндаланг чамбар ичак қисилиши; катта чарви 3/4 қисмининг некрозга учраши ва гидроторакс билан асоратланган). Асоратлар: Катта чарви некрози, ўнг тарафлама гидроторакс. НЕ I–II даража. Конкурент: Қорин органлари ривожланиш аномалияси: спланхноптоз (гепатоптоз, гастроптоз, колоптоз, туғма қисқа ингичка ичак Меккел дивертикули билан). Амалиёт номи: Лапаротомия. Жигарнинг ўнг бўлаги, йўғон ва ингичка ичаклар ҳамда катта чарвини плевра бўшлиғидан пастга тушириш. Диафрагмадаги дефектни тикиш, катта чарвини резекция қилиш. Торакоцентез, ўнг плевра бўшлиғини дренажлаш. Қорин бўшлиғини дренажлаш. Операциядан кейинги давр: Операциядан кейинги давр асоратсиз ўтган. 26.11.2020 й. рентген назоратида (№11619) - Ўнг плевра бўшлиғида дренаж найчасининг сояси аниқланди. Ўпка – тўлиқ ёйилган. Синуслар очик, суюклик йўқ. Диафрагманинг ўнг гумбазининг ҳаракатчанлиги пасайган.

Қорин ва ўнг плевра бўшлиғидан дренажлар 6–7-кунларда олиб ташланган, чоклар 8-кунда олиб ташланган, жароҳат бирламчи битган. Бемор 8-кунда бўлимдан чиқарилган. 24-кун рентген назоратида диафрагма юқори жойлашгани аниқланган (9-расм).




9-расм. Беморнинг операциядан кейинги 24-кундаги рентгенограммаси.

Бемор 1 ва 6 ойдан кейин кўрилган: умумий ҳолати қониқарли, ташқи нафас функцияси қопланган, ошқозон-ичак йўлидан шикоятлари йўқ.

Қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда, биз томонимиздан қисилган ҚПДЧ мавжудлигини аниқлашда анъанавий диагностика усулларининг аҳамиятини баҳолашга қаратилган сифат тадқиқотлари далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланган ҳолда олинган миқдорий кўрсаткичлар билан тўлдирилди. Шу билан бирга, қўлланилган анъанавий диагностика усуллари орқали олинган натижалар биз томонимиздан ИМ+ (ишончли мусбат), ИМ- (ишончли манфий), ЁМ+ (ёлғон мусбат) ва ЁМ- (ёлғон манфий)

сифатида баҳоланди. Олинган натижалар таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, анъанавий текширув усуллари аксарият ҳолларда қисилган ҚПДЧ мавжудлигини ва унинг айрим хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Олинган натижалар таҳлиliga асосан, анъанавий ташхис усуллари кўп ҳолларда ҚПДЧ борлигини ва унинг баъзи хусусиятларини аниқлаш имконини бериши мумкин. Бироқ, анъанавий текширув усуллари ҳатто госпитал босқичида ҳам қисилган диафрагмал чурралар табиатини аниқлаш, шунингдек қисилган ҚПДЧнинг ўзида юзага келаётган морфо-функционал ўзгаришлар даражасини баҳолаш имконига эга эмас. Шу билан бирга, анъанавий клиник маълумотлар асосида шошилиш тиббий ёрдамнинг шифохонагача бўлган босқичларида беморларда қисилган ҚПДЧ мавжудлигини аниқлаш ниҳоятда қийин.

Шу муносабат билан, қисилган ҚПДЧни аниқлашда диагностик жараёни оптималлаштириш мақсадида асосий гуруҳдаги 16 нафар беморда тасвирни 3D реконструкция дастури ёрдамида қайта ишлаш билан МСКТ каби янги нурли диагностика усуллари қўлланилди, шунингдек 12 нафар беморда кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг МРТ текшируви ўтказилди. Шу билан бирга, агар кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг МСКТ текшируви қисилган ҚПДЧ ва уларнинг инфилтратлар ҳамда перитонит кўринишидаги асоратларига хос рентгенологик ва сонографик белгиларни сезиларли даражада яхшиланган сифатда олиш имконини берган бўлса, МРТ эса травматик диафрагмал чурраларни бевосита визуализация қилиш, кўкрак бўшлиғида странгуляцияга учраган қорин аъзоларини аниқлаш, шунингдек ривожланаётган асоратларни диагностика қилиш имконини яратди (10-расм).



**10-расм. Бемор К.Т., 52 ёш. К/Т №27481/1904. МСКТ.
3D-реконструкция режимида қисилган ҚПДЧ манзараси акс этган
кўкрак қафаси томограммалари.**

Шу билан бирга, қисилган ҚПДЧни шифохонагача бўлган босқичда диагностика қилишни яхшилаш мақсадида асосий гуруҳ беморларида ушбу патология мавжудлигини кўрсатувчи шубҳали, эҳтимолий ва мутлақ предикторлар ишлаб чиқилди, уларнинг прогностик аҳамияти ва статистик ишончлилиги аниқланди. Статистик таҳлил ҚПДЧ бўлган беморлар

гуруҳларида алоҳида ўтказилди: Қисилмаган ПДЧ: 32 бемор Қисилган ички органлар билан ПДЧ: 41 бемор. Ҳар бир танланган предиктор учун χ^2 қийматлари ҳисобланди. Ушбу χ^2 учун танланган критик қиймат – 3,84. Агар ҳисобланган χ^2 ушбу критик қийматдан юқори бўлса, бундай предиктор статистик жиҳатдан ишончли деб баҳоланди ($p < 0,01$).

Тадқиқот гуруҳларида тақдим этилган барча предикторларнинг статистик ишончилиги аниқлангандан сўнг, тегишли ҳисоб-китоблар асосида прогностик коэффициентлар (ПК) формуласи ёрдамида қисилган ҚПДЧ мавжудлигини аниқлашда уларнинг прогностик аҳамияти («вазни») белгилаб олинди. Прогностик аҳамиятига қараб барча предикторлар шубҳали, эҳтимолий ва мутлақ гуруҳларга ажратилди. Шу билан бирга, мутлақ предикторларни аниқлаш амалда қисилган ҚПДЧ ташхисини қўйишга тенг эканлиги аниқланди. Қолган предикторларнинг ишончилиги ва диагностика аниқлигини ошириш мақсадида уларнинг турли хил комбинациялари таклиф этилди, бу эса шошилишч тиббий ёрдамнинг госпиталгача бўлган босқичида қисилган ҚПДЧни ўз вақтида аниқлаш учун самарали ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилди.

Ўтказилган проспектив тадқиқотлар асосий ва комбинацияланган шубҳали+эҳтимолий предикторларнинг шифохонагача бўлган босқичда ҚПДЧ ташхисини қўйишда самарадорлигини аниқлади. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу предикторлар: сезгирлик: ўртача 87,6%; спецификлик: ўртача 76,4%; жами аниқлик: ўртача 82,1% (3-жадвал).

3-жадвал

Ишлаб чиқилган ҚПДЧ ни шифохонагача диагностика қилиш предикторларининг «сезгирлик» ва «спецификлик» кўрсаткичлари

